

Мухбиримиз бонг уради

Тўлов қобилиятини йўқотган жамоаларнинг рўйхати газетамизнинг шу йил 20 сентябрь сониди эълон қилинди. Улар орасида Хоразм вилоятининг қатор ташкилот ва муассасалари ҳам бор.

Синий ҳавфига дучор бўлган мазкур жамоаларнинг бузғунчи ҳоли не кечаяпти? Рўй берган ноҳус вазият уларни сергакликка, омиқорлигу-уддабуронликка қорлай олдими? Ана шу мулоҳазалар бизни номи юқоридаги рўйхатда зикр этилган жамоаларга етаклади, мавзу бонг узаро тўловларнинг ҳолати билан ҳам танишдик.

... Бемуболага айтиш мумкинки 4-5 ой ичида «дебитор» (кирим қилинувчи сармоя), «кредитор» (ўзгаларга туланувчи маблағ) деган иборалар идора бошлиқларию ҳисобчилар лугатидан мустаҳкам ўрин олди. Жамоаларнинг моддий-молиявий мавқеини ҳам ана шу иборалар ердими баҳолайдиган бўлишди.

Номи машҳур рўйхатга тушган Урганчдаги «Жайхун» сайёҳлик мажмуининг фаолиятига ана шу иккита ибора орқали разм солган киши ҳамма нарса ўз ичига эканига албатта ишонч ҳосил қилади. Негаки, шу йил 1 октябрда бўлган маълумотларга қараганда ўзгаларнинг ташкилотга қарзи 906 минг 489 сўмни, ташкилотнинг ўзгаларга қарзи эса 907 минг 314 сўмни ташкил этади. Орадаги фарқ атиги 825 сўмдан иборат. Бс, шунгайи ота гури қозихонами, ахир бу арзимаган рақам-ку, дерсиз? Сиз ҳақсиз. Аммо, қосанинг тагида нимқоса борлигини эътиборга олсангиз, танқид ўринли эканига тан берасиз. Энди гапнинг бугини ешитинг.

Мажмуа йилнинг дастлабки 9 ойида мижозларга 2 миллион 100 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 236 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Режа 106,5 фоизга адо этилди. Қаранг, қандай яхши натижа? Бирок, қосанинг тагидаги нимқосани ҳақиям кўтарганимизча йўқ, Қани, кўтарайликчи, нима бор экан?

Ўзбекистон миллий туризм компаниясининг Хоразмдаги энг йирик мазкур мажмуи 9 қаватли маҳабатли бинога жойлашган. Ундаги жами хоналар сони 400 дан ошса, мижозлар ишайдигани 276 та. Уларда 412 та ўрин мавжуд. Меҳмонхонадаги бар, кафе, чойхонани ҳисобга қўшмасакда, биргина «Жайхун» ресторанининг ўзи 760 кишига хизмат кўрсатади. Қани айтингчи, шу қадар катта меҳмонхонани истиш, сув, нур, газ билан таъминлаш, хоналарни жиҳозлаш, тозалаш, асраш, минг хил тў-

ловлар, солиқларни қоплаш учун қанча маблағ харжланаркин? Яна битта рақам: ўтган 9 ойида шу қадар катта мажмуанинг атиги 5,2 фоизгина меҳмонлар билан банд бўлган. Хона ва ўринларнинг салкам 95 фоизи буш турган. Ана энди ҳисоблайверинг, фойда би-

РАИС «ЖАЙХУН»НИ ЖАРГА ҚУЛАТМОҚЧИ

лан зиённинг фарқини. Хуллас, меҳмонхона 9 ойида нақ 781 минг сўмлик зиён билан яқунлади.

Тўловга ноқобил идора ва ташкилотлар рўйхати «Халқ сўзи»да эълон қилинган кезлар меҳмонхона кўрган зиён миқдори ҳоизридан хийла ёз: жами 670 минг сўм атрофида эди. Ўтган бир ой ичида ўзайиш ўрнига тагин 100 минг сўмга кўпайган. Кўпайиши ҳам табиийда. Меҳмон йўқламаган, меҳмонни ҳам йўқлашмаган, боз устига турли зарур-нозарур тўловлар юки остида қолган меҳмонхонанинг ҳоли бундан ортиқ бўлмас. Сайёҳлар мажмуаси қони фойда ўрнига қони зиён келтираётгани, шубҳасиз, энг катта йўқотиш. Бирок уни шу қуйга солиб, гўёки ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам юрганлар ҳам узоқдамас — чор-атрофда.

Мажмуа ҳисобхонасидан олинган маълумотномада қайд этилишича, дебитор — кириmlарнинг энг мули мажмуанинг раҳбар ташкилоти — «Ўзбектуризм»нинг вилоят бирлашмаси зиммасида экан. Равшан Қурбонов бошлиқ мазкур ташкилот «Жайхун»га тулангуси 23 минг 641 доллар (сўмга чаққанда 700 минг сўмдан зиёд) қарзини бир неча ойдан буён гўёки атайлаб тўламапти. Маълум бўлдики, республика миллий туризм компанияси чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатилгани эвазига тўланиши лозим бўлган қарзини узмақчи. Бирлашма

раҳбарияти эса бу қимматли валютани ўзининг қонунчи эгаси қўлига топширмоқчи эмас, бирлашма учун янги хориж машинаси харид қилиб, манфаати йўлида ишлатмоқчи. Ўз қарамоғидаги ташкилотни инқироздан ҳалос этиш ўрнига уни ўз қўли билан жарга итармоқчи бўлаётган мутаассаддини қим, деб аташ мумкин? «Жайхун»ни жарга итарган биргина вилоят сайёҳлик бирлашмаси эмас. Бир неча минг долларлик қарзидан қутулишни ҳаёлига келтирмаётган «Ўзбектуризм»нинг бошқа муассасалари, чунончи «Чорсу» сайёҳлик мажмуи, республика хорижий сайёҳлик ва махсус сайёҳлик бирлашмалари ҳам бу ишда «намуна»

бўлишастир. Ана шулар боис «Жайхун»нинг ўзи ҳам ўзгалар инқирозининг сабабчисига айланапти. Урганч шаҳар телефон тармоқлари станцияси, сайёҳлик хизмати автокорхонаси, шаҳар «иссиқлик манбаси» корхонаси, электр тармоқлари корхонаси «Оби ҳаёт» бирлашмасига туланадиган умумий қарз миқдори 700 минг сўмдан ортгани ана шундан далolat.

Қайд этилган фактлар, рақам ва далиллар кишини уйга солади. Ўзга юртлардаги сайёҳлик хизмати ҳам нигоҳингизда гавдаланади. Қурраи заминда туризм шарофатидан раванқнинг юқори пиллапоиларига кўтарилган давлатлар оз дейсими? Шу боис, тармоқнинг воҳалда (ана қаерда дент: осори-атиқалари, ноёб ёдгорликлари, уйига хос табиати, иқлим шароити билан бутун дунёга танилган элда) бу қадар аянчли аҳволга тушиб қолганига ишонгинг келмайди, кишининг.

Излаган имкон топади, деган нақлда ҳикмат кўп. Иланиш, интилиш шарофатидан бўлса керак, ёнгинадаги «Хоразм» сайёҳлик мажмуи, «Урганч» меҳмонхонаси жамоалари «Жайхун» дан кўра хийла яхши натижаларни қўлга киритишапти. Фикримизча, «Жайхун»нинг молиявий-иктисодий мавқеини изга солиш имкони ҳали бой берилганмас. Октябрь ойида вазият анча ўнгланди. Сайёҳлар сони кескин ортди. Меҳмонхонадаги

ўринларнинг бандлиги 5,2 фоиздан 12-15 фоизгача етди. Демак, хизмат кўрсатиш ва даромад олиш ҳажми ҳам 2-2,5 баравар ортди. Яқин ойлар ичида мажмуадаги ўринларнинг бандлигини 33 фоизга етказиб, рентабеллик даражасига эришиш имкони очилди. Жамоа буларнинг барини мажмуага яқиндагина раҳбар қилиб тайинланган Баҳодир Матқубовнинг номи билан боғлайди. Ҳокимларнинг фикрича, янги раҳбарлар (директор муовини ҳам янги тайинланган) сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича бой билим, тажриба, маҳорат тўплаган, тadbиркорлик, савдо-тижорат бонида ҳам ўзларини кўрсатишган. Лекин ютуқлар учун раҳбарлик салоҳияти ҳам мезон эмас. Барқарорлик қалити аҳиллик, иноқлик, уюшқоқлик, бир ёқдан бош чиқариб ишлаш олиш, самимий хизмат кўрсатиш, интилиш ва иланишда. Раҳбарлари тadbиркор, ходимлари ишчан жамоанинг ютуқлари ҳамиша бисёр.

«Жайхун»нинг айрим хизматчилари билан суҳбатлашмиз. Қават навбатчилари Наталья Ким, Минггули Чурилкина, Баҳром Бобонозовларнинг ишга, сайёҳларга қасб-корига меҳри-оқибатини бир қарашласқ илғаб оласиз. Бирок, оқиб келатган модалий зиёнга «камтарона улуш» қўшаётган меҳмонхона ресторани мутасаддилари (директори Шоназар Солаев, бош ошпази Шоназар Рўзиматов) ҳукм сураётган ноҳус вазиятдан қутулиш учун бирон жуяли гап айти олишмаганидан ҳафсалангиз пир бўлади. Шаҳарда шу янглиг катта меҳмонхона, ресторан борлигини меҳмонлар нарекда турсин, ҳатто қўпгина урганчликлар ҳам билмаслиги эса дилингизни баттар ҳижил қилади.

Нафсиламбирини айтганда, жамоаларнинг барқарор турмуш меъёри бузилишига айнан ана шу ва шу каби корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, айрим ходимларининг ноҳус ҳатти-қаракатлари сабаб бўлапти. Бундай номуносиб ҳатти-қаракатларга Президентимизнинг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бора-сидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини назорат қилаётган ҳокимликлар, прокуратура органлари муносиб баҳо бера олишларига ишончимиз қомил.

Абдулла СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР
ВА
ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

SUPERMARKET

«ШАРҚ МИР ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
СИЗНИ ШУ ЙИЛНИНГ
15 ДЕКАБРЬ
КУНИ
СОАТ 10.00 ДА
ЯНГИ ОЧИЛГАН
«МИР»
СУПЕРМАРКЕТИГА
ТАКЛИФ ЭТИШДАН МАМНУНДИР.

Мазкур супермаркетнинг умумий майдони 4500 м² бўлиб, бу гўзал масканда турли-туман атир-упалардан то энг замонавий ва қулай кийим-кечакларгача, юқори сифатли аудио ва видео-техникадан то энг зарурий кундалик рўзгор буюмларигача ва ҳар хил ширинликларгача — ҳаммаси бўлиб 3000 дан зиёд моллар харидорлар эътиборига ҳавола этилган. Мижозларимиз учун 350 дан ошиқ юқори малакали ходимлар хизмат кўрсатадилар. Икки қаватли Fast Food кафеси доимо Сизнинг хизматингиздадир.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Мустафо Камол Ота Турк кўчаси, 1-уй.

ШИ ДИ

Ассортимент ва модалар республика марказида 14 ва 15 декабр кунлари Литва Республикаси енгил, озиқ-овқат ва мебель саноати хизматларининг улгуржи савдоси буйича кўргазма-экспозиция ўтказилади.

30

Кўргазма-экспозициянинг
Литва Республикаси
«Халқ сўзи» ва «Узлов»
фирмалари иштирок этади.

Сизнинг эътиборингизга қўйилган ҳавола этилган кўргазма, кунлик учун таъинмалар калава, трикотаж полотноси, барча ёндагилар учун ички ва устки кийим, панинок, мушкет оқюм ёри, поё, паҳмоқчи сочиқ ёри, чопиш ёри, тобаски ёри, урин-қурин жилдлари, эгарлар, от миниб юриш учун костюмлар, озиқ-овқат ва бошқа моллар.

Сизларни соат 10 дан 18 гача қўйилган манзилда кутамиз: Тошкент, Қутяев кўчаси (собиқ Саперная кўча), 25. Йўналиш "Россия" меҳмонхонаси. Маълумотлар учун телефонлар: 39-10-53, 39-11-97, 56-04-01. Факс 33-15-60.

Маълум миқдордаги пулга йил бўйи реклама!

YELLOW PAGES OF UZBEKISTANDa эълон қилинг!

Ўзингиз ҳақида, маҳсулотингиз ва бизнес оламида кўрсатадиган хизматингиз хусусида йил давомида 365 кун ва бир кеча-кундузда 24 соат маълумот беришдай ажойиб имкониятга биринчи марта эга бўлаяпсиз.

YELLOW PAGES OF UZBEKISTAN Ўзбекистон Республикасининг деярли ҳамма минтақаларидаги 25000 корхона, фирма, банк ва муассасанинг манзили ва телефон рақамларига эга бўлади.

YELLOW PAGES OF UZBEKISTANNING йилига бир марта чоп этиладиган нашри Internet-Worldwide халқаро компьютер тармоғи орқали ҳақонинг 120 та мамлакатига тарққилади ва 35 миллион кишига етиб боради.

International Publishing House YELLOW PAGES 700077, Тошкент ш., Буюк ипак йўли, 42, 211-хона, тел.: (3712) 67-63-87, 68-78-76.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзсаноатмашмилэк» ташқи савдо бирлашмаси жамоаси бирлашма ширкати директорининг муовини Ш. Назруллоевага отаси	Назрулло ИСОДОВНИНГ авафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардли изҳор қилади.
Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги вазир муовини Ниезматова Бахтиёр Иброҳимовичга оналари	Кимсонхон НИЕЗМАТОВАНИНГ бевакт авафот этганлиги тўғрисида чўқур таъзин изҳор этади.
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги В. А. Успенский номидаги республика ўрта махсус музыка мактаб интернати директори Комилхон Зоирдодга онаси	Ҳолидахон аа ЗОИРОВНИНГ авафоти муносабати билан чўқур таъзин изҳор этади.
Тошкент Фармацевтика институтининг ректорати ва жамоаси институтининг рус тили кафедраси мудири доцент Турсунова Умида Шакарровнага оналари	Клара Шакарровна ТУРСУНОВАНИНГ авафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзин изҳор этади.
Ўзбекистон Давлат телерадиокорпорацияси жамоаси Ўзбекистон радиоси адабиёт ва радиотелерадиомужарриригининг бош муҳаррири ўринбосари Топир Юнусовага падари бузрукварини	Махмуд ЮНУСОВНИНГ авафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзин изҳор этади.
Тошкент Давлат юриди институтининг жамоаси «Жиннат ҳўкуку» кафедраси мудири, доцент Йўлдош Карақотонга онаси	Ҳадича МИРЗАЖОНОВАНИНГ авафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзин изҳар қилади.
Тошкент автомобил йўллар институтининг жамоаси тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини Раъно Холиқовнага онаси	Раҳима БОБОЖОНОВАНИНГ авафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзин билдиради.

